



Хотун-кизлар учундур чўк гўзал давлат хижоб,
Ору номусинг юзига пардаи исмат хижоб,
Дафъи ошуби зинога хисни амнийят хижоб,
Катъи шўру фитна этмакда бали хужжат хижоб,
Тангри кўндурган нисолар хаккига рахмат хижоб.
Муслимот хазратларига мислсиз неъмат хижоб.

Кайси миллатда тасаттур бор нисоси бебокдур,
Кайси хотунким очук юздур, обрўйи бали хокдур,
Пардалик кадрини билур хар кимки хуш идрокдур,
Пардасиз элнинг юроги гул каби юз чокдур,
Хифзи номусу хаёга яхши бир кисват хижоб.
Нури рахмат, файзи исмат, матлаъи иффат хижоб.

Гар маориф истаса киз парда ичра касб эдар,
Парда ичра кўб хотунлар топдилар илму хунар,
Эмди очуклик учун чолишма, эй даллоли шар,
Кизу хотунинг ўлурлар пардасизлик бирла гар,
Эй диёнатсиз, тушунким, хосили оят хижоб.
Яъни, билким маънийи Куръону хам суннат хижоб.

Ким писанд этмаз хижоби, бил ани бад кирдордур,
Кеча-кундуз фикру зикри айламак ашрордур,
Йўкса чокмак амри шаръи Ахмади мухтордур,
Бу хижоб шаръийятида неча хикмат бордур,
Дийдаи акл ила бок ганжинаи хикмат хижоб.
Хазрати Хак жонибида бизлара раъфат хижоб.

Эрди Онхазрат замониким саодатлу замон,
Ул замонда ўлди вожиб бу хижоб, эй дўстон,
Хар замонда фарз деб ижмоъ килди олимон,
Гўё Куръону хадис ижмоъ ила топди баён,
Хар мусулмон олдида шойистаи сиххат хижоб.
Комёб наша-ю, сахбойи фарзийят хижоб.

Кашф килдилар хакимони фаранг азрори кашф,

Этди Ўврўпо хакикатхоху истинкор кашф,
Хис эдуб хусни тасаттур, бўлдилар безор кашф,
Дедилар курсун жахонда бу бузук атвор кашф,
Боиси татхири ансоби хама миллат хижоб.
Кони рохат, тахти иззат, айна хуррийят хижоб.

Аклу накли шаръ ила ўлди тасаттур устувор,
Файзи сатр ила ўлур амнийяти насл ошкор,
Юз очуклик зулмидан асли насаб топмаз карор,
Хар ким ўз фарзандини жазм ила килмаз эътибор,
Шукр лиллохким хама авлод учун рохат хижоб.
Жумла хотунларни шаънида эрур иззат хижоб.

Робиъа ўлди валийа ахли ирфон сатр ила,
Шоира Зеббуннисо бўлди сухандон сатр ила,
Хукмрон ўлди Махастий тожи нисвон сатр ила,
Мисрда Саййида Зайнаб кони ийкон сатр ила,
Хар адиба киз учундур жолиби шавкат хижоб.
Ахли хикмат кўзига бир кўзгуйи ибрат хижоб.

Ўлдилар неча хонимлар парда ичра зуфунун,
Ахли тадрису хунар тахсил эдубон кўб хотун,
Хар каю эрга нафака фарздур хотуни учун,
То тасаттур неъмати харгиз нисодан кетмасун,
Хар каса маълумдур осори хайрият хижоб.
Шубхасиз хонимлар хаккига эрур бехжат хижоб.

Кайси бир ахли хамийят истаюр бўйла маром,
Кўл ба-кўл ушлаб килур хотуни гайр ила хиром,
Вокеъ ўлмазми бу икки ахли шахватдан харом?
Уфода рафъи хижоба ҳукм килмиш чўк имом,
Ул кишиларга кўрунмиш сирри тасаттур хасрат хижоб.
Онлара очуклик одат, дўзаху никмат хижоб.

«Турмуш»у «Вакт» айлади ул ҳукма бу хил ифтихор,
Эмди топди пардасизлик кадрина кавми тотор,
То бу дам янглиш эди ижмоъи асхоби кибор,
Дедилар очуклик этсун биз каби ўзга диёр,
Бу азизларга кўрунди бир ажаб мехнат хижоб.
Хол буким, рахмати Хак, дофиъи накбат хижоб.

Не сабабдур, булар очуклик ичун жон берур?!
Киз ила хотунлари очук ўромларда юрур?!
Хар кишига эмчаку тирсаклари-ла кўрунур?!
Шу муслмонликму акси шаръга мунча гурур?!
Бир минг уч юз ўттуз уч йилдан бери мусбат хижоб.

Эмди Уфодан чикурми акси шаръийят хижоб.

Ё раб, ўз фазлинг ила килгил хижобимиз саҳих,
Кўрмагай нўгой нисоси бу тасаттурни кабиҳ,
Хурмати жумла набий, хосса Мухаммад-ла Масих,
Васлий сўзини ҳам одамлара этгил малиҳ,
Айлагил хар бир хотунга лозиму хожат хижоб.
Баски ислом кизларига накд бир жаннат хижоб.

Мударрис Саййид Ахмад Васлий Самаркандийнинг "ТАСАТТУРИ НИСВОН ХАКИНДА"
муҳаммаси.

«ал-Ислох» журнали, 1915-йил, 1-октябр, 8-сон, 546-549 бетлар.

ОЧИКЛИК

Очиклик миллати ислом аро феъли кабохатдур,
Очиклик боиси ранжу алам бугзу адоватдур.

Очиклик хор эдар таҳкики аҳли илму ирфоний,
Хижоби ислом уносига чу бир навъ ибодатдур.

Очиклик дарддурким анга фискдан ўлур мархам,
Очиклик чун дарахтдур хосили оху надоматдур.

Очиклик ихтилофни халк байнига солур таҳкик,
Очиклик гулустони хуснга бир ранжу офатдур.

Очиклик дину иймон хонасин таҳкик эдар барбод,
Очиклик боиси зиллату накбат жаҳолатдур.

Очиклик домдур халки шароратга асир айлар,
Хижоби ислома Хак ила набийдан фарзу суннатдур.

Очиклик диллари пур айлаюр турли хавас бирла,
Очиклик пардаи исматни чок айлар жинойтдур.

Очиклик шарм ила номус номин кўймаюр зарра,
Очиклик ҳам чу номуси уноса бир хиёнатдур.

Очиклик-ла ўлур фуссокларга киска хуррийят,
Очиклик гийнаю удвона бир жойи валодатдур.

Очиклик хона барбод айлаюр фоилларин доим,
Очиклик бир жаҳолат, ҳам хамокат, ҳам сафолатдур.

Очиклик офатидур илму фанлар мазраотига,

Очиклик боиси расвойи рўзи киёматдур.
Хижоби айлади исбот «Нур»у «Сураи Ахзоб»,
Килур кимса Худога банда, Пайгамбарга умматдур.

Очиклик кубх ўлгай ошкора акл ахлина,
Очиклик журм ила ашрори фужжора бидоятдур.

Очиклик истаёнлар ўзларина олими топсун,
Кечарса ахли исломи-ла игвоси бадохатдур.

Очиклик зидди хам Хоиб тарафдор ўлмазам, биллох,
Хижоба зид ўлон ашхос кандай бедиёнатдур!

Андижон Хоиб Шамсиддин хўжа,
«ал-Ислох» журнали, 1915-йил, 31-декабр, 24-сон,
733-734 бетлар.

ХИЖОБ ХУСУСИНДА

Олдим каламни ёзголи мен хам хижобдан,
Чўк-чўк ёзилди, демадим, асли бу бобдан.

Чўк йўллар изладим кеча-ю тонгни отдуруб,
Хеч бир очарга кўрмадум ояти Китобдан.

Очсунки юзни монигъ эмас бунга шаръ деб,
Билмам зокунми чикти каю бир жанобдан?!

Фатвони халкга бердики Халлокни ўйламай,
Кўркмай Худони тонгла у кахру итобдан.

Кавли Имоми Аъзам-у, Ханбалми Шофиъийдин,
Топди кимининг мазхабидан, кайси бобдан?

Кўрмаб эдиму ушбуни Аллох расуллари,
Деб пора-пора ўлди кўнгил изтиробдан.

Минглаб набий рафикаси оламдин ўттилар,
Хеч бир замонда чиктиму онлар никобдан?!

Яъни, Худони дўсти Мухаммадни уммати,
Колди хадис бизга у зоти маобдан.

Шаръи набийда Тавалло устувор тур,
Харгиз адашма ушбу замон инкилобдан.

Машхур шоир Таваллонинг хижоб хакидаги газали "ал-Ислох" журналида эълон килинган.